

«BETON TAMINOT» МЧЖ
БАЛАНСИДАГИ МАХСУС ТЕХНИКАНИ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ
№2 А

Тошкент ш.

«21» июнь 2022 йил

Биз куйида имзо чекувчилар, «BETON TAMINOT» МЧЖ, бундан буён «Сотувчи» деб аталувчи номидан Устав асосида иш юритувчи, жамият директори Кучаров Г, бир томондан ва МЧЖ «NAVOI SUV TAMINOT» устав асосида иш юритувчи бундан буён жамият директори Зарипов Отабек Суяркулович «Олувчи» деб аталувчи иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар», Ўзбекистон Республикасининг фукаролик кодексининг 354-моддаси ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ куйидаги мазмунда ушбу шартномасини туздилар

1. Шартнома предмети

1.1. "Сотувчи", «BETON TAMINOT» МЧЖ нинг 2022 йил «20» июль 1-сонли умумий йигилиш баённомаси қарори асосида қорхонанинг тасарруфидаги жамият балансидаги баҳоланган қиймати 848 700 000 сўмлик 2021 йилда ишлаб чиқарилган, "JCB3DX" русумли Эксковатор юклагич шасси HAR3DXSUEM2974925, ранги САРИҚ, давлат раками 10 ОА 031, двигател раками № Н00311221, бўлган махсустехникани, бундан буён «Махсустехника» деб аталувчи, ни сотиши эвазига «Олувчи»га топширади, «Олувчи» эса « Махсустехника »ни муносиб равишда қабул қилади ва ундан мулк сифатида белгиланган тартибда фойдаланади.

1.2. « Махсустехника »ни тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар: 2022 йил 24 майдаги UZ-AA197478-сонли Транспорт воситаларини қайд этиш гувоҳномасига асосан эгалик ҳуқуқи берилган.

1.3. «Олувчи»нинг « Махсустехника »га нисбатан мулкӣ ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси фукаролик кодексининг 481-моддасига биноан, « Махсустехника »ни ушбу шартнома асосида ўрнатилган тартибда давлат руйхатидан ўтказган пайтдан бошлаб тўлиқ вужудга келади.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 482-моддасига биноан, «Олувчи» ихтиёрига " Махсустехника"ни тасарруф этиш ҳуқуқи ўтиши билан биргаликда ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

1.6. Мазкур шартномани шартларидан келиб чиққан ҳолда « Махсустехника »ни баҳоланган ва сотилиш қиймати 848 700 000 сўмни ташкил этади.

1.7. «Олувчи» мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб «АВТО»ни баҳоланган қийматини тўлиқ тўлаб бериши шарт.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

«Сотувчи» нинг мажбуриятлари :

2.1. «Махсустехника»ни ушбу кун ҳолатига бегоналаштирилмаганлигига, ижарага берилмаганлигига, гаровга қўйилмаганлигига ва таъқиқда эмаслигига ҳамда учинчи шахс фойдасига ўтказилмаганлигига, бюджет, бюджетдан ташқари ва коммунал тфловлардан қарзлари йуқлигига қафолат беради. Агар, қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда, ушбу қарздорликларни, « Махсустехника »га нисбатан мулк ҳуқуқи «Олувчи»га ўтказилгунга қадар тулашни ўз зиммасига олади.

2.2. « Махсустехника » буйича ушбу шартнома тузилган кундан бошлаб, «Олувчи» билан "Сотувчи"ни « Махсустехника»га ва унга тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топшириш тўғрисидаги топшириш-қабул қилиш далолатномасини Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 388, 389, 486 моддаларига мувофиқ тузади ва ушбу далолатнома асосида «Олувчи»га топширади.

«Олувчи»нинг мажбуриятлари :

2.3 Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб "Олувчи" шартномада кўрсатилган суммани 3 (уч) банк кундан кечикмаган тарзда 100% ни тўлаб беради. "Олувчи" тўлов бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорда, лекин шартнома суммасининг 50% дан ошмаган ҳолда пеня тўлайди.

2.4. «Махсустехника» буйича топшириш - қабул қилиш далолатномаси тузилганидан сунг, «Махсустехника» ни шартномага асосан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84, 111, 484 моддаларига мувофиқ тегишли давлат идораларидан руйхатидан ўтказади.

2.5. Ўз мулохазаларига мувофиқ шартномани бекор қилиш зарурати тугилган ҳолларда, "Сотувчи"ни 5 (беш) кунлик муддат ичида ёзма равишда огохлантиради.

2.6. "Топширувчи"дан «Махсустехника»га тегишли бўлган барча ҳуқуқий ҳужжатларни топширишни талаб этади.

3. «Томонлар»нинг жавобгарлиги

3.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб қонуний қучга қиради. «Томонлар» бир-бирларини ёзма равишда огохлантирмасдан туриб, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, жавобгарликларини учунчи «Томон»га ўтказишга ҳақлари йук.

3.2. «Томонлар» бир-бирларини ёзма равишда огохлантирган ҳолатда ушбу шартномага ўзгартиришлар қиритиш ёки қушимчалар қилишлари мумкин. «Томонлар» ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3.3. «Томонлар» ушбу шартномани бажарилиши даврида бир-бирларига етказилган зарарни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибларда қоплайдилар.

3.3. Ушбу шартнома юзасидан қелиб чиқиши мумкин бўлган барча низолар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ равишда тартибга солинади.

4. Форс-мажор ҳолатлари.

4.1. «Томонлар» мазкур шартномада қабул қилинган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, агарда бундан мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик енгиб бўлмайдиган қучлар оқибати таъсирида бўлган тақдирда, жавобгарликдан озод қилинадилар. 4.2. Енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари деб шундай ҳолатлар тушуниладики, буларга фавқулодда вазиятлар, масалан, ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар ва ҳоказолар қиради.

5. «Томонлар»нинг имзолари.

«СОТУВЧИ»

«BETON TAMILOT» МЧЖ

Адрес: Ташкентская область
Куйичирчикский район, Тошлок ССГ,
Сергели МСГ
Х/Р : 2020 8000 7053 8192 9001
Банк: "Халк Банки" Бектемир ф-л
МФО: 00830, ИНН: 308421514
Телефон: +998 90 6157888

Директор

Қўров



«ОЛУВЧИ»

МЧЖ «NAVOI SUV TAMILOT»

Адрес: Манзил: Навоий шаҳар, А.Темур
қучаси, 4-уй
Х/Р: 2020 8000 7045 4832 2001
Банк: «ИПОТЕКА-БАНК» Навоий ф-л
МФО: 00205, ИНН: 300024824
Телефон: +998 90 6157888

Директор

Заринов О.С.



Заклучение

Договор заключен в соответствии со ст.353-385,386-424 ГК РУз и со статьей 21 Закона «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов». Условия хозяйственного договора, имущественная ответственность и порядок разрешения споров соответствуют требованиям законодательства РУз.

Юрист: